ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ

Иқтисодиёт мактаби асосчиларидан бири профессор Ражаб Абдуллаевнинг 80 йиллик юбилейига бағишланади

«ИҚТИСОДИЁТ ВА ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТ СИФАТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ»

мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

(VI-қисм)

(2015 йил 20-21 февраль)

САМАРҚАНД – 2015

Тоғаев С.С., Хоназаров Ф.О.	Халқимиз ҳаёт сифатини яхшилашда банк ва банк хизматларининг беқиёс ўрни	183
Хусанов Б.Ш., Саматов А., Қодирова Н.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестициянинг роли	186
Зайналов Ж.Р., Очилов Ф.	Инновацион рискларни банк-молия хизматларига таъсири	189
Ҳусенов С.Ў.	Инсон капиталини инвестициялашнинг ўзига хос хусусиятлари	193
V ШЎЪБА. «ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИНИНГ ЮКСАЛИШИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ»		
Пардаев М.Қ., Тўйчиев А.Ж., Рахимов Ҳ.А.	Меҳмонхона хўжалигида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқланиш йўллари	197
Олимов М.О., Раисов М.Р.	Рассеивающие поверхности	202
Вафоходжаева Д.М., Латыпов А., Абдумажидова Н.	Организационные основы и методика аудита внешнеэкономической деятельности предприятия	205
Абдурахимов С.	Аспектуал композиция ва унинг предикатлардаги семантикасидан иқтисодиётда фойдаланиш	208
Шавқиев Э. Холмурзаев М. Каримов Ж.	Янги русмли техникалар самарадорлигини ҳисоблаш усуллари ва уларни такомиллаштириш	212
Пардаев М.Қ., Раҳимов Ҳ.А.	Меҳмонхона хўжалиги фаолиятини таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичларнинг функциялари	214
Мусаев Ҳ. Н., Тўраева Ф.	Турли дебиторлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар аудитининг методологик жиҳатлари	219
Латипова Ш.М., Амиров Э.	Тўлов қобилиятсиз корхонанинг ривожланиш истиқболларини баҳолашда пул маблағларини дисконтлаш усулининг ўзига хос хусусиятлари	221



1-чизма. Рискни миқдорий ва сифат баҳолашнинг эмперик усулида ҳисоблашда таъсир этадиган омиллар

С.Ў.Ҳусенов – СамИСИ ўқитувчиси

ИНСОН КАПИТАЛИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Инсон капиталини инвестициялаш махсус хусусиятларга эга. Инсон капиталини инвестициялаш бир томондан инсон шахсига қўйилмалар жалб этиш жараёни бўлса, иккинчи томондан унинг қобилият ва малакаларини ривожлантириш мақсадини кўзда тутади. Ушбу инвестициялар турлари, яъни инсон капиталини бир вақтни ўзида давлат, инсонни ўзи унинг оиласи корхонаси томонидан амалга оширилади. Инсон капиталини инвестициялаш ўзи билан биргаликда инсонни ўзига ҳаражат қилиш худди шундай корхона ва давлат учун шакллантириш, қўллаб-қувватлаш такрор ишлаб чиқариш ва капиталининг бу турини оширишдан иборатдир. Ушбу ҳаражатлар объектив жиҳатдан зарурдир. Ушбу зарурият амалга

оширилмас экан хўжалик ҳаёти талабларига жавоб берадиган инсон капиталининг сифат жиҳатлари шаклланмайди.

"Инсон капиталини инвестициялаш, К.Макконелл ва С.Брюлар таъбири билан айтганда, ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги, қобилияти ва малакасини оширишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатдир. Ҳаражатларни ниманингдир унумини оширишга қаратилган инвестиция сифатида қабул қилиш керак, ёки қилинган ҳаражатлар ва сарфлар келажакда даромадлар оқимини усишини таъминлайдиган кўплаб компенциялашни назарда тутувчи ҳисоб-китоблардан иборатдир"[1]. Инсон капитали назариясини тарафдорлари инсон капиталини инвестициялаш таркибига турлича тавсиф берадилар. Г.Беккер[2] асосчилардан бири инсон капиталига йўналтирилган ҳаражатларни қуйидагича тақсимлайди:

1. Таълим олиш ҳаражатларига.
2. Тиббий хизматлар, соғлиқни қўллаб-қувватловчи ҳаражатлар.
3. Ҳаракатчанлик, иш қидириш учун ҳаражатлар.
4. Болаларни тарбиялаш учун ҳаражатлар.
5. Нархлар, даромадлар, иш ҳақи ҳақида ахборот қидириш харажатлари ва бошқалар.

Инсон капитали соҳасида бошқа бир мутахассис Ж.Кендрик[3] ушбу инвестицияларни моддий ва номоддий туркумларга ажратган. Моддий ҳаражатларга инсоннинг ривожланиши ва жисмоний шаклланишидан иборат. Номоддий ҳаражатларга умумий таълим, махсус тайёргарлик, тиббий хизматга ҳаражатлар, иш кучини жойлашуви билан боғлиқ ҳаражатлар кўрсатилган. Ж.Кендрик буюмлашмаган инвестицияларнинг алоҳида хусусиятга эгалигини таъкидлаган. К.Маконел ва С.Брю инсон капиталини инвестициялашни 3 та турини кўрсатиб ўтади.

1. Таълимга ҳаражатлар, шунингдек умумий ва махсус, корхоналарда қайта тайёрловчи.
2. Соғлиқни сақлаш ҳаражатлари, шунингдек профилактика, тиббий хизматлар, диета овқатлар, яшаш шароитини яхшилаш билан боғлиқ ҳаражатлар.
3. Иш кучини ҳаракатланиши билан боғлиқ ҳаражатлар.

Бир бутун ҳолатда инсон капиталини инвестициялаш қуйидагиларга бўлинади:

1. Таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналтирилган ҳаражатлар.
2. Соғлиқни меҳнат қобилиятини қўллаб-қувватлашга тиббий хизмат учун йўналтирилган ҳаражатлар.
3. Ишга жойлашиш информация қидириш ва иш кучини ҳудудий жойлашиши учун лозим бўлган ҳаражатлар.

---

[1] См.: Макконнелл К., Брюс. Экономикс. – М.: Республика, 1992. – с. 171.

[2] Беккер Г. Человеческий капитал (главы из книги). Воздействие инвестиций в человеческий капитал //США: 1993

[3] Кендрик Дж. Совокупный капитал США и его формирование. – М.: Прогресс, 1978. – с.63

Мактаб таълими иш жойида ўқитиш, соғлиқни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт ҳақида маълумот ҳажмини кенгайтиш дейди Т.Шулц[4] инсон капиталини ривожлантирувчи инвестицион фаолият ҳисобланади. Юқорида таъкид этилган инвестиция турларини инсон капитали концепциясини тарафдорлари таълим инвестициясига ва ишчилар малакасини оширишга ажратади. Бу ўзини исботини топган. Инсон капитали ишлаб чиқарувчи ва бунёдкор ресурс сифатига турли ҳилдаги таълим жараёнини олиши билан шаклланади. Таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимини инвестициялаш муаммосини билан боғлиқ изланишлар ҳам назарий ҳам амалий манфаат касб этади. Илмий техника таъсири остида меҳнат характерини аҳамиятли равишда ўзгариши шароитида билимларни узлуксиз равишда янгилаб бориш зарур бўлади.

Инсон капитали назариясига кўра кадрларни тайёрлаш умумий ва махсус чекланиш асосида шакллантирилади. Умумий тайёргарлик инсон капиталини тузилишини шундай мувофиқлигики у ҳар қандай фирмани тармоқларида қўлланилиши мумкин. Ишчилар қайси фирмада иш хақи юқори бўлса ўша ерга ишга жойлашишга ҳаракат қиладилар. Умумий тайёргарлик таъминотига эга фирма эса ташкилотдан умумий тайёрланган мутахассисларни ютуқ сифатида албаттта ишга қабул қилади.

Ишчиларнинг профиссонал ва умумтаълим даражасига нисбатан талабларни кучайиши замонавий шароитларда инсон капиталининг субъектини соғлигига бўлган талабни ҳам кучайтиради. Инсон капитали назариясида соғлиқнинг ҳолати капитал сифатида эътироф этилади. У 2 қисмга бўлинади ирсий ва наслий. Инсон ҳаёти давомида капиталнинг бир тури эскиради, ўлим натижасида соғлиқ фонди ўз қадрини йўқотади. Соғлиқ профилактикаси, тиббий хизматлар, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш диета овқатланиш, спорт билан шуғилланиш, рекреацион тадбирлар билан боғлиқ инвестициялар юқоридаги жараённи секинлашишига олиб келади. Ҳаёт кўришни узайтиради ва инсон капитали сифатини оширади. Соғлиқни сақлашга йўналтирилган инвестициялар функционал вазифасига кўра таълим соҳасига йўналтирилган инвестициялардан фарқ қилади. Агар таълим соҳасига йўналтирилган инвестициялар инсон капиталини янги сифат даражасига оширилишига олиб келса соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялар асосан инсон қобилиятини, бунёдкорлигини қўллаб-қувватлаш ва қайта тиклашга олиб келади. Иккита инвестиция тури ҳам ишчи кучи авлодини келажакда инсон капиталини шаклланишида муҳим таъсирга эга.

Инсон капиталига инвестициялар инвестицияларнинг бошқа турларидан ўзининг қатор хусусиятлари билан ажралиб туради[5].

1. Инсон капиталига инвестиция ажратиш унинг эгасининг ҳаёт муддати билан бевосита боғлиқ (меҳнатга лаёқатлилик даврининг давомийлиги), қанчалик эрта инсонга маблағ ажратилса, у шунчалик тез қайтишни бошлайди.
2. Инсон капитали нафақат жисмоний ва маънавий емирилади, балки йиғилиши ва кўпайиши ҳам мумкин.
3. Инсон капитали йиғилишига кўра юқори чегара билан чекланган фаол меҳнат жараёнида унинг даромад бериши ошади, кейин эса кескин пасаяди.
4. Инсонга қилинган инвестицияларнинг ҳаммаси ҳам инсон капиталига маблағ ажратишга қаратилган бўлавермайди. Масалан, криминал фаолият билан боғлиқ ҳаражатлар инсон капиталига инвестиция ҳисобланмайди, чунки у жамият учун зарарли.
5. Инсонга маблағ ажратишнинг табиати ва турлари тарихий, миллий, маданий хусусият ва анъаналар билан шартланган.
6. Бошқа турли шакллардаги капиталга инвестиция қилишга нисбатан инсон капиталига инвестициялар алоҳида инсон нуқтаи назаридан ҳам, жамият нуқтаи назаридан ҳам фойдалироқ ҳисобланади.

Давлат, нодавлат ижтимоий фондлар ва ташкилотлар, регионлар, алоҳида фирмалар, халқаро фонд ва ташкилотлар, шунингдек, таълим муассасалари инсон капиталига маблағ ажратиш манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, инсон капиталини ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Инсон капиталига йўналтирилаётган инвестициялар ҳамда уларнинг самарадорлиги бевосита мамлакатнинг жаҳондаги нуфузини белгилашда муҳим омиллардан бири бўлиб қолади.

[4] Shultz T. Capital Formation by Education// The Journal of Political Economy.1967, Vol. 68, p. 571.
[5] Д.Д.Рустамова "Инсон капиталига инвестициялар ва уларнинг ҳусусиятлари" Fikr.uz